


INDEKS 1072




EZGU FIKR, EZGU SO'Z, EZGU AMAL!

ILM SARCHASHMALARI


URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING
ILMIY-METODIK JURNALI



*Ханнов и
Мухаммед*



Jaloliddin Manguberdi



“Avesto” yodgorligi




Qadimiy nomli binolar



Al-Xorazmiy yodgorligi

ISSN 2010-6246



624002

2019-6

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

6.2019

научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года

Urganch – 2019

MUNDARIJA

ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – АМАЛДА

С.Давлетов. Хоразм вилоятидаги иқтисодий ислохотлар.....	3
---	---

МАТЕМАТИКА

А.Ҳахшимуратов, Р.Ҳангібайева. Koeffitsiyentlari kompleks qiymatli bo'lgan Shturm-Liuvill operatorlari kvadratik dastasining bitta sinfi uchun xill diskriminanti.....	7
Р.Шарипов. Задача Дирихле в классе субгармонических функций.....	12
В.Курбонбоев. Some Properties Of k – Convex Functions.....	16

ТИВВИЙОТ

Д.Батиров, А.Муслева, Д.Юсупов. Лапароскопическая холецистэктомия в сочетании с гинекологическими операциями у больных с анемией.....	19
Z.Salaeva, R.Masharipova. Pathomorphological Changes in Children with Lichthetic Leukemia.....	22

TARIX

Х.Отегенов. 1916 йилги кўзғолон тарихшунослиги масалалари.....	26
Ж.Айтмуратова. XX асрнинг иккинчи ярмида қорақалпоғистоннинг жанубий туманлари маданияти тараққиётида санъат арбобларининг хизмати.....	30

FALSAFA

N.Farhodjonova. Milliy madaniyat rivojida an'anaviylik va zamonaviylik ko'rinishlari.....	34
Х.Обломуратова. Миссионерлик фаолиятининг усул ва воситалари.....	36
Л.Хаитов. “Кашф ул-махжуб”да Ҳаким ат-Термизий ва “Ҳакимийлик” тариқати ҳақида.....	39
О.Шарипова, З.Нарзиев. Азизиддин Насафий қарашларида қомил инсонни тарбиялашнинг назарий асослари.....	43

TILSHUNOSLIK

Х.Саримсоқов. А.Навоий ва З.М.Бобур асарларида жисмоний тарбия ва спортга оид терминларнинг диахрон тадқиқи.....	48
М.Қурбонова. Болалар нутқида пропозиционал актнинг воқеланиши.....	51
С.Нормаматов. Исоқхон Ибротнинг “Луғоти ситта алсина” (“Олти тилли луғат”) асарида шарқ ва ғарб луғатчилиги аъналарари.....	55
У.Йигиталиев. Стилистик воситаларда “жинс” концептининг ассоциатив-вербал ифодаланиши.....	58

ADABIYOTSHUNOSLIK

А.Кенжаев. А.С.Пушкиннинг “Сув париси” драматик достонидаги романтик кайфиятнинг таржимада қайта яратилиши хусусида.....	65
Қ.Юлчиев. Бадий тафаккур тарихида макон ва замон масаласининг тадрижий такоммили.....	69
Н.Очилов. Тарқоқ сюжетларнинг муайянлашувида бахши маҳоратининг ўрни.....	75

PEDAGOGIKA

К.Гулямов. Компетенциявий ёндашув асосида бўлажак амалий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг методик асослари.....	79
---	----

V. Қисқа вақтли миссиялар. “People International”, “Халқаро очик эшиклар” (Уитни, Оксон, Англия), “Ёшлар миссияси” (Амстердам, Нидерландия), Жанубий баптистлар (АҚШ) минтақада ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш орқали евангеллаштириш ўтказиш учун қисқа муддатларга миссионерлар юбориш билан шуғулланадилар.¹

VI. Черковлараро алоқа ўрнатиш. Марказий Осиёдаги айрим миссионерлик марказлари минтақадаги протестант черковлари билан Ғарбда жойлашган черковлар орасида ҳамкорликни йўлга қўйиш билан шуғулланадилар.²

Миссионерлик фаолиятининг молиявий манбаларини чет элда жойлашган марказлари кўрсатадиган молиявий ёрдам, жамоа фаоллари бошқарадиган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаларининг фаолиятдан келадиган даромад, жамоа аъзоларининг тўлайдиган ойлик бадал ва жамоага мойиллиги бор шахслар томонидан бериладиган хайрия маблағи ташкил этади.

Хулоса. Глобаллашув шароитида миссионерлик ҳаракатининг жамият ҳаётининг барча соҳаларига таъсири сезиларли бўлиб, муаммонинг олдини олиш, уни бартараф этиш, инсонларни уларнинг ёлғонларига алданиб қолишини чеклаш борасидаги вазифаларни амалга ошириш учун илмий, мантикий ва синалган усуллардан фойдаланиш лозим бўлади. Шу боис барча динлар таълимотини чуқур ўрганиб, улар кўрсатмасини илмий, фалсафий асослар билан таҳлил этиш ва ислом дини ҳақидаги нотўғри фикрларга қарши жавоб бера оладиган савияга кўтарилиш бугунги куннинг долзарб талабига айланди ва жаҳолатга қарши маърифат билан бориш, фақат ақл эгаларигагина хосдир.

Бунинг учун эса жамият кундалик ҳаётидаги тарғибот ва оммавий ахборот воситалари – радио, телевидение, газета ва журналларда доимий равишда бағрикенгликнинг моҳияти, миссионерликнинг асл қадриятларга бутунлай ётлиги тўғрисида теран, аниқ, оммабоп маълумотлар зиёлилар, диний уламолар, мутасадди шахслар томонидан татбиқ қилиниши лозим.

Таклиф ва тавсиялар. Баён қилинганлар юзасидан қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

– миссионерлик фаолияти, улар қўллаётган усул ва воситаларга қарши курашишда зиёлилар салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

– миллатни тил, ҳудуд ва этномаданий жиҳатдан бирлаштирувчи омилларни ижобий мақсадларга йўналтиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

– глобаллашув шароитида миссионерлик фаолияти томонидан тақдим этилаётган тухфаларга қарши миллатнинг туб ва тараккиёт манфаатларига мос юксак инсоний фазилатлар, қадрият ва маданиятни акс эттирган конструктив ғояларни яратиш ҳамда илгари суриш;

– миссионерликка қарши курашишда ижобий натижага эришиш учун таълим тизими, оммавий ахборот воситалари фаолияти ва бошқа шу каби муассасаларга тааллуқли инновация ҳамда тараккиёт дастурларини шакллантириш;

– ёш авлод маънавий дунёқарашини миссионерликдан ҳимоя қилишда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш.

Лазизбек Хаитов (БухДУ)

“КАШФ УЛ-МАҲЖУБ”ДА ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ВА “ҲАКИМИЙЛИК” ТАРИҚАТИ ҲАҚИДА

Аннотация. Мазкур мақолада XI асрда яшаган машхур мутасаввуф, тасаввуф назариётчиларидан бири бўлган Абулҳасан Али ибн Усмон Жуллобий Ҳужвирийнинг “Кашф

¹ Миссионеры США готовят очередную группу учителей для «непросвещённых» стран бывшего соцлагеря. Сайт «Sedmica.orthodoxy.ru». 14.08.02, с. 8. URL: <http://www.sedmica.orthodoxy.ru/50-21-08-02.php>.

² Сайт “Википедия”, с. 18. URL: http://ru.wikipedia.org/wiki/Христианская_миссия.

ул-махжуб ли-арбоб ал-қулуб” асарида буюк ватандошимиз, мутасаввуф, валий, тариқат асосчиси Ҳаким ат-Термизий ва унинг “Ҳакимийлик” тариқати ҳақидаги фикрлар таҳлил қилинган.

Аннотация. В данной статье проанализированы размышления о направлении тариката «Хакимий», высказанные основателем тариката Хакимом ат-Термизи в произведении теоретика тасавуфа Абулхасана Али ибн Усмон Жуллаби Худжвири «Кашф ул-махжуб ли-арбоб аль-қулуб».

Annotation. In the following article, the views of our great compatriot, sufi scholar, the founder of the tariqat Khakim at Termizi and his Hakimiyya tariqat based on the work “Kashf ul makhjoob li arbab al qulub” of Abulkhasan Ali ibn Osman Jullabi Khujviri, who was the prominent sufi, theoretician of Sufism who lived in the 11th century are analysed.

Калим сўзлар: Ҳаким ат-Термизий, “Наводир ул-усул”, ҳакимийлик, тариқат, валий, авлиё, “Насойим ул-муҳаббат”, Термизий асарлари, шайх, тариқат маркази.

Ключевые слова: Хаким ат-Термизи, “Наводир ул-усул”, направление тариката «Хакимий», тарикат, святой, чудотворец, “Насойим ул-муҳаббат”, произведения Термизи, шейх, центр тариката.

Key words: Khakim at-Termizi, “Navadir ul-usul”, Khakimiyya, tariqat, saint, “Nasoyim ul-Mukhabbat”, the works of Termizi, sheikh, center of the tariqat.

Кейинги пайтларда буюк алломалар меросини тиклаш, уларнинг асарларини қидириб топиш, нашр этиш долзарб вазифалардан бирига айланди. Улар қолдирган бой маънавий-маданий меросни тиклаш, келажак авлодга тўла, мукаммал тарзда етказиш ишлари жадал суратларда ривожланди. Айниқса, машхур валийлар, авлиё-анбиёларнинг маънавий меросларини ўрганиш, уларнинг ахлоқ-одоб, таълим-тарбиявий ғояларини ўрганишга катта эътибор қаратилди.

Шу жиҳатдан Имом Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Имом Мотуридий, Махмуд аз-Замахшарий, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа юзлаб буюк пирларнинг илмий, маънавий мерослари қайта тикланди. Муборак жойлари қайта таъмирланиб, обод зиёратгоҳларга айлантирилди.

Тарихдан маълумки, IX аср бошларида Бағдод, Басра, Балх, Нишопур, Термиз, Бухоро шаҳарлари тасаввуф ва тариқат марказлари сифатида муҳим ўрин тутган. Мазкур шаҳарларда тасаввуфнинг илк тариқатлари вужудга келиб, улар томонидан илгари сурилган ғоя ва қарашлар ўрта асрларда жамият маънавий-ахлоқий, мафкуравий, маданий ривожланишига кучли таъсир кўрсатган.

Шундай тариқатлардан бири буюк ватандошимиз, мутасаввуф ва муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий томонидан асосланган “Ҳакимийлик” тариқатидир. Манбаларда келтирилишича, илк сўфийлик тариқатлари ҳақидаги ишонарли маълумотлар, уларнинг концепциялари, тариқат асосчиларининг номлари Али ибн Усмон Жуллобий Хужвирийнинг “Кашф ул-махжуб” асарида илк бора тадқиқ ва тасниф этилгани диққатга сазовордир. Хужвирий, тахминан, XI аср бошларда Хуросоннинг маданий жиҳатдан ривожланган шаҳри Ғазнада туғилган. Унинг вафоти ҳижрий 465 (милодий 1072–1073) йилга тўғри келади.

Хужвирий илк давр тасаввуф тариқатларини ўн иккита деб эътироф этиб, уларнинг ўнтасини маъқуллаган (мақбул) ва иккитасини рад (мардуд) қилган ва мазкур тариқатларнинг асосий концепцияларини ёритиб берган.

Машхур сўфийлар ва мутасаввуфлар томонидан асос солинган тариқатлар, уларнинг атрофида вужудга келган дастлабки тасаввуф мактаблари, тариқатлари ўзининг илгари сурган ғоя ва қарашлари билан бири-бирдан ажралиб, фарқ қилган. “Кашф ул-махжуб” да

¹ Иброҳим Худоёр. Ишк жайхунининг йўлдоши. “Гулистон”, 2000, 5-сон, 14-бет.

буюк ватандошимиз Ҳақим ат-Термизий томонидан асос солинган “Ҳақимийлик” тариқати еттинчи мақбул тариқат сифатида эътироф этилган ва Ҳақим Термизийнинг ҳаёти ҳақида муфассал, аниқ ва ишончли маълумот берилган нодир манбалардан бири бўлиб ҳисобланади. Термизийнинг ўз асарлари ва бошқа манбалардан у кишининг ҳаёт йўли ҳақида баъзи тасаввурларга эга бўламиз. Хусусан, унинг “Будувв уш-шаъни Абу Абдуллох Муҳаммад Ибн Али ал-Ҳақим Термизий” номли кичик бир рисоласи орқали муаллиф ҳаёти, жумладан, отасидан илм ўрганганлиги, ёшлик чоғида Куфа ва Басра орқали Маккага сафар қилганлиги, Куфада ҳадис таълимини олганлиги, Термизга қайтаётиб, йўлда Қуръони каримни ёдлаганлиги ҳақидаги маълумотга эга бўлиш мумкин. Лекин бу рисоладаги диққатга молик асосий масала илҳомнинг турлари, унга туш ва бедорликда зоҳир бўлган рўёлар тасвиридир”.¹

Илмий ва эътиборли тасаввуфий манбаларда бу олим ва ориф зотнинг номи ҳурмат билан тилга олинади. Жумладан, Абу Абдурахмон Суллаймий (ваф. 1021) “Табақот ус-суфийя”да у кишидан бир қанча ҳикматли ва маърифатга оид сўзлар нақл қилса,² Фаридиддин Аттор (1148/51–1219/21) “Тазкират ул-авлиё”да Ҳақим Термизийни: “шариат ва тариқатда мужтаҳид”, “ҳадис, ривоят ва хабар бобида ишончли зот”, “риёзат ва каромоти кўп”, “хулқи улуг” каби сифатлар билан эслаб, “бағоят ҳикмат соҳиби” бўлганлигидан “ҳақим ул-авлиё” (валийлар ҳақими) деб аталганига диққатни қаратади.

Алишер Навоий ҳам “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида ёзади: “Муҳаммад бин Ҳақим Термизий қаддасалло руҳаху иккинчи табақадиндур. Куняти Абу Абдуллохдур – улуг машойихлардандур. У Абу Туроб Нахшабий, Аҳмад Хизравайх ва ибн Жалоллар билан суҳбат қилган, кўп ҳикматли сўзлари, зоҳир кароматлари ва машҳур асарлари бор. Жумладан, “Хатм ул-валоят”, “Наҳаж”, “Наводир ул-усул” ва бошқалар. Зоҳир илмида ҳам асарлари бор. Бир тафсир ёзишга киришган, лекин тугатишга умри вафо қилмаган. Унинг шогирди Абу Бақр Варроқ Ҳақим Термизий ҳар якшанба Хизр алайҳиссалом билан мулоқот қилиб турганини ривоят қилган.”³

Хужвирий “Кашф ул-махжуб” асарининг икки бобида Ҳақим ат-Термизий ҳақида муҳим ва қимматли маълумотларни қайд этган. Айниқса, асарнинг “Тобъинларга оид сўнгги даврларда яшаган имомлар” ўн биринчи бобида 64 та имом ва тасаввуф шайхларининг тасаввуфга қўшган ҳиссаси тўғрисида сўз юритиб, Термизий тўғрисида жуда қимматли тавсифларни берган. Кейинчалик, “Кашф ул-махжуб”нинг ўн тўртинчи бобида Ҳақим ат-Термизий томонидан асос солинган “Ҳақимия” тариқати ва унинг ғоявий-назарий жиҳатларини батафсил баён қилган. Юқорида айтилганидек, мутасаввуф ҳар бир тариқатга шарҳ бериб, уларга алоҳида тўхталиб ўтган. Масалан, мазкур асарнинг 14-бобида “Ҳақимия” тариқати ҳақида сўз очиб ва Ҳақимийлар Абу Абдуллох бинни Али ал-Ҳақим ат-Термизий номи билан валийлик қиладилар, деб таъкидлаб, “тасаввуф ва маърифатнинг асос ва қоидаси валоят ва унинг исботидур ва барча шайхлар шунга келишганлар, аммо Муҳаммад бин Али бу соҳада махсус ва барчаларидан афзал ва устундир”, деб фикр билдиради.⁴

Бундан кўринадики, авлиёлик даражаси сўфийларнинг охириги мақсади бўлиб, бу таълимот қадимдан тасаввуфда мавжуд бўлган ва Ҳақим ат-Термизий эса уни тараккий топтириб, янги қонун-қоидалар билан тўлдириб, силсилавий тариқат даражасига кўтарган. Авлиёлик даражасини барча сўфийлар ва мутасаввуфлар эътироф этган бўлсалар-да, Тер-

¹ Алишер Навоий. Насойимул-муҳаббат. 20 томлик, 17-том, Т., “Фан”, 2001, 14-бет.

² Али ибн Усман аль-Худжвирӣ. Раскрытие скрытого за завесы. Старейший трактат по суфизму. Перевод с английского А. Орлова. М., “Единство”, 2004, с. 217 – 220.

³ Уватов У. Ал-Ҳақим ат-Термизий. Т., “Маънавият”, 2001, 84-бет.

⁴ Абул Ҳасан Джуллаби Али ал-Худжвирӣ. Кашф ал-махжуб. Л., 1926; Караматов Х.С. Аскетические и суфийские течения в Хорасане. В кн.: Из истории суфизма: Источники и социальная практика. Т., “Фан”, 1991, 265-бет.

мизий авлиёликнинг асл моҳиятини исботлаб, унга шак келтиришни ножоиз, деб топган. Иккинчидан, у авлиёларни барча оммадан фарқ қиладиган, эъжоз ва уруж даражасига етишган ва аллоҳ таолонинг яқин кишиларидан бўлган зотлар деб ҳисоблаган. Учинчидан, Термизий авлиёларнинг каромати ва хушнафас инсон эканликларини қатъийлик билан исботлаган. Тўртинчидан, у киши авлиёлар кароматини саҳв (хушёрлик) ҳолати деб билдириб, суқр (мастлик)ни ундан рад этган.

Ҳужвирий “Ҳақимийлар ўзларини Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳақим ат-Термизийга (Аллоҳ ундан рози бўлсин) боғлайдилар. У барча зоҳирий ва ботиний илмларда вақтнинг имомларидан эди. Унинг таснифоти ва нукталари бисёрдир. Унинг гапларининг қоидаси ва тутган йўли валийликда эди. Валийлик ҳақиқати тўғрисида, валийларнинг даражалари, улар рияз қиладиган тартиблар ҳақида сўзлаганлардандир. Унинг ўзи алоҳида бир чексиз уммондирки, кўпдан кўп ажойиботлари бордир”, дея фикр билдирган.

Ҳақим ат-Термизий ҳақида Ҳужвирий: “У илм соҳаларида комил ва пешқадам эди. Машойхларнинг мухташами эди. Унинг кўп таснифоти бордир. Яхши ишлари ва кароматлари машҳурдир. “Хатм ул-валоят”, “Китоб ун-наҳж” ва “Наводир ул-усул” каби ҳар соҳани баён қилувчи ва булардан бошқа яна кўп китоблар ёзган. Менинг наздимда, жуда мўътабардир ва қалбим унга асир бўлгандир” ва яна мутасаввуф “Мени шайхим айтардики, “Муҳаммад бир дурри ятимдирки, бутун оламда унинг тенги топилмас”. У тасаввуфга валий тушунчасини киритди, деб таъриф беради. Валий инсон ҳислатлари, валийлик мақоми, даражалари устида ватандошимиз Ҳақим ат-Термизий чуқур назарий тадқиқот олиб борган. Унинг фикрича, ҳақиқатга етишишда илм ва ақлдан бошқа яна бир учинчи – илоҳий нарса – валийлик ҳам бор.¹ Ҳақим ат-Термизийнинг “Хатм ул-авлиё” асари² валоят ва авлиёлик масалаларига бағишланган илк мухтасар асар бўлиб, тасаввуф тарихида биринчи марта авлиёлик даражалари, хатм ул-анбиё ва хатм ул-авлиё мавзулари таҳлил этилган.

Авлиёликка хос кароматлар *ҳақимийлик* тариқатининг махсус аломати бўлиб ва бу ҳалқа валийликка онд хусусияти билан бошқа оқимлар орасида алоҳида ўрин тутиб, кейин ўзига хос анъана яратди. Сўз орасида шуни ҳам айтиш керакки, ал-Жуллобий ал-Ҳақим ат-Термизий номи билан боғлиқ ҳақимийлик тариқати хусусида фикр билдирганда, бу оқимнинг валоятлик мазҳаби асосида шаклланган авлиёлик ва анбиёлик тушунчаларининг маъносини тез-тез шарҳлаб, керакми ёки йўқми бу ҳақда ўзининг хулосасини айтиб ўтади.

Мазкур фикрлар ватандошимиз ал-Ҳақим ат-Термизийнинг шайхлик даражасидан ўтиб, авлиёлик мансабини эгаллагани ва сўнг, ҳатто пайғамбарликка даъвогар бўлганликлари хусусида ажойиб бир манба ва далилдир. Бу ҳаракат ва жасорат фақат Ҳақим ат-Термизийга насиб этганлиги. Аммо XI аср тасаввуф тадқиқотчиси ал-Жуллобий ушбу даъвони тўғридан-тўғри рад этишга журъат қилган эди, балки у бу борада умумий сўзлар билан кифояланиб, хулосани китобхоннинг ўзига ҳавола этади. Мана бу олимнинг айтган фикри: “Билгилки, ҳамини ва ҳамма вақту соатда тариқат шайхларининг фикри шунга келишилганки, авлиёлар пайғамбарларнинг тобелигида бўладилар ва анбиёлар авлиёлардан фозилроқ кишидурлар. Зеро, маълумки, валоятлик ниҳояси нубувватлик ибтидоси (пайғамбарликнинг бошланиши)га олиб боради ва барча анбиёлар валидурлар, аммо авлиёлардан ҳеч ким наби бўлмагандир”. Агар биз ал-Жуллобийнинг сўзларига синчиклаб диққат қилсак, у авлиёликнинг ниҳоясини пайғамбарликда, деб билади.

Бас, шундай экан, ал-Ҳақим ат-Термизий шу ниҳояни босиб ўтган зот эдилар ва шунда у кишининг даъволари ҳаққоний ва тўғридир, десак, гўё янглишмаган бўламыз.

Термизийнинг тасаввуфий-маънавий, илмий, фалсафий меросини ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Зеро, тасаввуф таълимоти Марказий Осиё халқларининг бир неча асрлик тарихида давомида маънавий омил вазифасини бажариб келган.

¹ Фаридиддин Аттор. Таъкират ул-авлиё. Техрон, 1373 х., 35-бет.

² Шу манба. 64-бет.

Шу жиҳатдан бу халқларнинг ижтимоий, маданий ҳаётида тасаввуф тариқатларнинг таъсири муҳим ўрин тутган. Ҳозирда тасаввуф таълимоти илмий ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Тасаввуф таълимоти илмий ўрганиш билан бирга, унинг амалий-тарбиявий жиҳатларига катта эътибор қаратиш лозим.

Ойгул Шарипова, Зубайдилло Нарзиев (БухДУ)
АЗИЗИДДИН НАСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА КОМИЛ ИНСОННИ
ТАРБИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада XIII аср тасаввуф таълимоти ва фалсафасига беқиёс ҳисса қўшган ватандошимиз улуғ мутасаввуф Азизиддин Насафийнинг қарашларида комил инсонни тарбиялашнинг назарий асослари ва мутасаввуфнинг антропологик таълимоти ҳам қисқача қисқача таҳлил қилинган.

Аннотация. В данной статье изложены теоретические основы воспитания совершенного человека с точки зрения великого мыслителя XIII века и представителя тасаввуфа Азизуддина Насафи. Также приведён краткий анализ антропологического учения Насафи.

Annotation. The article deals with the analysis of the theoretical basics of training a perfect man according to Aziziddin Nasafi, who contributed a lot to Sufism, philosophy and his anthropological teaching of the 13th century.

Калим сўзлар: Азизиддин Насафий, “Зубдат ул-ҳақоийқ”, руҳий покланиш, комил инсон, қалб, нигилизм, руҳ, эзгулик, юксак маънавият, ахлоқ.

Ключевые слова: Азизуддин Насафи, “Зубдат ул-хакаик”, духовное очищение, совершенный человек, душа, нигилизм, дух, высокая духовность, поведение.

Key words: Aziziddin Nasafi, Zubdat ul khaqaiyiq, spiritual tidiness, a perfect man, heart, nihilism, spirit, good deed, high morality, ethics.

Сўнгги йилларда глобал миқёс касб этиб, инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олаётган турли маънавиятга зид хавф-хатарлар вужудга келди, уларнинг олдини олишнинг самарали йўллари аниқлаш муҳим вазифага айланди. Гарчанд, инсон онги ва қалби учун кураш тарихан турли шаклларда инсоният ҳаётидан ўрин эгаллаб келган бўлса-да, XXI асрда бу жараён турли оқимлар ва кучлар томонидан ғаразли мақсадлар йўлида амалга оширилаётган, инсон, жамият маънавиятига мафкуравий хуружлар орқали кечмоқда. Инсоният маънавияти халқаро экстремизм ва терроризм доирасидаги ёвуз кучларнинг хуружларидан азият чекмоқда.

Бутунги кунда комил инсон ҳақида тасаввуф ва қарашларимизнинг илмий-назарий, амалий асосларини мустаҳкамлаш, бу борадаги муайян хулосалар чиқариш, маънавиятни яна-да юксалтириш учун мутасаввуф олимларнинг қарашлари, хусусан, Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепцияси фундаментал аҳамият касб этади.

Маълумки, тасаввуф таълимотида комил инсон идеали, унинг асосий хусусиятлари, бу идеалга эришиш жараёнидаги руҳий эволюция босқичлари, унинг инсон ҳаёти маъносини англашдаги ўрни каби бир қатор ахлокий-фалсафий масалалар чуқур назарий таҳлил этилган. Тасаввуф таълимотида бундай масалаларга нисбатан ёндашувлар хилма-хиллигини кузатиш мумкин. Юқоридаги фикрдан шуни англаш мумкинки, комил инсон тушунчаси, ўз моҳиятига кўра, кўп маъноли хусусият касб этади. Ҳар бир таълимот комил инсон тушунчасига ўз даври ижтимоий-тарихий шарт-шароитларидан келиб чиқиб ёндашган ҳолда, унинг маълум аспектини очиб берганлигини кузатиш мумкин.

XII–XV аср Шарқ мутафаккирлари дунёқарашига таъсир этган муҳим омиллардан бири бу айнан тасаввуф таълимотидир. Тасаввуф таълимотининг ёрқин намояндаларидан Юсуф Ҳамдонийнинг ирфон мактабида таълим олган Абдуҳолик Ғиждувоний ва Аҳмад